

Замоннинг оинаи жаҳоннамози бўлган жарида, мажалла ва тарих саҳифаларини диққат ила мутолаа этсак кўрарамизким, ўзга қавм ва миллатлар илм ва ҳунар ҳосияти ила оз бир замонда бутун жаҳонни тасхир этдилар. Мусулмон ҳукмдорлари (ўзларининг замон иқтизосинча ҳаракат қилмагонлари учун) асир ва нобуд бўлдилар. Оврупоийлар ҳозирда билган илмларига қаноат қилмай гайрат ва ҳимматлари соясида кундан-кун яна тараккий этмокцадирлар. Ўзларининг роҳат ва осойишлари учун на қадар олот ва асбоб ихтиро қилганларидек, ўз нафсларини душмандин муҳофаза қилмок учун турли олоти ҳарбия ижод этмакдадурларким, аларнинг орасида ояндага энг муҳими - айруплан - тайёра деган балои осмоний бўлса керак. Агарда яна 5-10 йил ўлмасак кўрарамизким: оврупоийлар душман ила ҳавода уруша бошларлар. Эмди ўзимизнинг аҳволимизга бир йўла кўз солиб қарасак: Қуръони ҳикмат баёнимизнинг алфозини аъмоларнинг кўнглида маҳфуз кўрармиз. Маориф нуқтаи назаридан қарасак, Зайд ила Амрнинг уруши ва эски юнанийдардин қолма ҳилофи исломият сафсаталардек нимарсаларни кўриб қамолти ҳузун ва йаъс ила айтармизким: «Ох!.. Таассуфлик ҳолатдамиз».

*«Ойна» журнали, 1914 йил, 29-сон*